ISNN 3030-3907

2026
JUNE
ISSUE - 6
VOLUME -2

DEVELOPMENT OF SCIENCE

scientific journal



Development of science

Ilmiy jurnal

IYUN 2026
Issue - 6, VOLUME – 2

ISSN 3030 -3907

Ilmiy jurnal OAK rayosatining 2024 yil 27 sentabrdagi 361-son qaroriga asosan 02.00.00 kimyo fanlari hamda 2025 yil 12 fevral 367- son qaroriga asosan 05.00.00 texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

BOSH MUHARRIR:
Temirov Alisher Hoshim o‘g‘li – texnika fanlari falsafa doktori (PhD),Dotsent.
TAHRIRIYAT KENGASH RAISI:
Fozilov Sadriddin Fayzullayevich – texnika fanlari doktori, professor
TAHRIRIYAT KENGASH A’ZOLARI

TEXNIKA FANLARI/ TECHNICAL SCIENCES/ ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

Bozorov G‘ayrat Rashidovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Abdurahmonov Olim Rustamovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Adizov Bobur Zamirovich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti, professor
Hayitov Ruslan Rustamjonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Jumayev Qayum Karimovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Berdiyev Dorob Murodovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor
Maxmudov Rafiq Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Tilloyev Lochin Ismatilloyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Raxmonov Qahramon Sanakulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Barakayev Nusratullo Rajabovich
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti, professor.
Jo‘rayev Xayrullo Fayziyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Panoyev Erali Rajabboyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Ataullayev Sherzod Nabiullyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Malik Negmurodovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Axmedova Ozoda Bahronovna
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti.
Safarov Bahri Jumayevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Xaydarov Axtam Amonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Safarov Jasur Alijon o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.

KIMYO FANLARI/ CHEMICAL SCIENCES/ ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Axmedov Voxid Nizomovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Umarov Baqo Bafoyevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Kodirov Abduaxad Abduraximovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Qurbonov Mingniqul Jumagulovich
Qarshi davlat Universiteti, dotsent
Turemuratov Sharibay Naurizbaevich
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Qoraqalpog‘iston bo‘limi Bosh ilmiy kotibi, professor
Tursunov Kaxor Shonazarovich
Qarshi davlat Universiteti, professor
Do‘stov Hamro
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor
Panoyev Nodir Shavkatovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Olimov Bobur Bahodir o‘g‘li
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Kasimov Sherzod Abduazimovich
Termiz Davlat Universiteti, professor.
Aliqulov Rustam Valiyevich
Termiz Davlat Universiteti, professor
Tropov Xamza Tursunovich
Samarqand Davlat Universiteti, professor

IQTISODIYOT FANLARI/ ECONOMICS/ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Nizamov Aslitdin Badreddinovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Boboyev Akmal Choriyevich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Ergashxojayeva Shaxnoza Djasurovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Saidaxmedova Nodira Ilxomovna
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, professor
Muxsinov Bekzod Toxirovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shakarov Qulmat Ashirovich
Renessans ta'lim universiteti,dotsent.
Jumaeva Zulfiya Qayumovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Norova Salomat Yusupovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Avezova Shaxnoza Maxmudjonovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Jalilov Jamshid G‘anijonovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, dotsent
Xasanova Gulruh Djumanazarovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.

PEDAGOGIKA FANLARI/ PEDAGOGICAL SCIENCES / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

Siddiqova Sadoqat G‘afforovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Zoyirov Erkin Xalilovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, DSc, professor
Gaffarov Feruz Hasanovich
Puchon Universiteti, *professor*
Ruziyev Davron Yuldashevich
Buxoro Davlat Universiteti, professor
Muradova Firuza Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Yunusova Gulandon Samiyevna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
To‘xtayeva Zebo Sharifovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, professor.
Navro‘zova Gulchixra Nigmatovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Uzoqova Laylo Polvonovna
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.
To‘raqulova Marjona Qiyom qizi
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Muradova Zarina Rashidovna
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Murodov Sanjar Aslonovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent.
Shodiyev Jahongir Jo‘raqulovich
Buxoro Davlat Texnika Universiteti, dotsent
Gaffarov Laziz Hasanovich
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti, dotsent.

Tahririyat a’zolarning to‘liq ro‘yxati jurnalning www.devos.uz saytida keltirilgan.

Tahririyat hay’ati a’zolarining tarkibini o‘zgartirish hamda qo‘shimcha kiritish yoki tahririyat a’zoligidan chiqarish bosh muharrir tomonidan amalga oshiriladi.

ISSN 3030-3907

Development of science ilmiy jurnali 2024 yil 15 aprel kuni №256445 sonli guvohnoma bilan Davlat ro‘yxatidan o‘tgan.

To‘plam elektron ko‘rinishda (pdf formatida) mualliflarga taqdim etiladi. To‘plamga kiritiladigan maqolalarning mazmuni, ulardagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to‘g‘riligiga hamda har qanday fikr - mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas’ul hisoblanadilar. Talablarga javob bermaydigan maqolalar to‘plamga kiritilmaydi. Tashkiliy qo‘mita maqola matnini qisqartirish, qisman tuzatish kiritish, seksiyalarga joylashtirish huquqiga ega.

ISSN 3030-3907

ТУРКИСТОНДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тўлқин Олимжонович Ахмедов
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Тел.:+998338500939
E-mail: tulqinolimjon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада 19-юзйилликнинг 60-йилларидан бошлаб Туркистон тупроқларида Россия империяси томонидан ўрнатилган мустамлакачилик тузуми, империя ҳукумати ҳамда ўлкадаги мустамлака маъмурият томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида юритилган сиёсатнинг негизлари, моҳияти, асосий йўналишлари, мақсадлари ҳамда оқибатлари очиб берилган. Амалга оширилган тадқиқот доирасида Туркистонда Россия мустамлака бошқарув тизимининг ўрнатилиши, бу тизимнинг ҳуқуқий асослари, тамойиллари ва ўз олдига қўйган мақсадлари, ўлкада амалга оширилган “руслаштириш” ва диний сиёсат ва пахта монополиясининг Туркистон ижтимоий ҳаётига таъсири каби масалалар очиб берилган.

Калит сўзлар: мусталака бошқарув, муваққат низом, музофот, аралашмаслик, рад этиш, руслаштириш, руслашиш, пахта монополияси, кўчириш сиёсати, рус кўчманлари

Abstract. This article examines the colonial system established by the Russian Empire in Turkestan since the 1860s, the foundations, essence, main directions, objectives, and consequences of the policies pursued by the imperial government and colonial administration in various areas of social life in the country. The research examines topics such as the establishment of the Russian colonial system in Turkestan, its legal foundations, principles, and objectives, the "Russification" process underway in the country, religious policy, and the impact of the cotton monopoly on Turkestan's social life.

Keywords: colonial administration, temporary arrangement, tolerance, non-intervention, rejection, russification, cotton monopoly, resettlement policy, russian settlers

Аннотация. В статье рассматривается колониальная система, созданная Российской империей в Туркестане с 1960-х годов, основы, сущность, основные направления, цели и последствия политики, проводимой имперским правительством и колониальной администрацией в различных сферах общественной жизни страны. В статье рассматриваются такие темы, как создание российской колониальной системы в Туркестане, её правовые

основы, принципы и цели, процесс «русификации», проходящий в стране, религиозная политика и влияние хлопковой монополии на общественную жизнь Туркестана.

Ключевые слова: колониальная администрация, временное устройство, толерантность, невмешательство, неприятие, русификация, обрусиние, хлопковая монополия, переселенческая политика, русские поселенцы

КИРИШ.

Қарамликни бир халқнинг бошига тушиши мумкин бўлган энг катта бахтсизлик ўлароқ тавсифлаш мумкин. Туркистон тупроқлари ва аҳолиси ўз тарихи давомида бир неча марта босқинларга учради, лекин уларнинг ичида 19-юзйилликнинг 50-80-йилларида Россия империяси томонидан амалга оширилган босқин ва унинг оқибатида ўрнатилган мустамлака бошқарув тизими Туркистон ҳаётинининг барча жабҳаларида тузалмас яраларни қолдирди. Мустамлака сиёсат Туркистоннинг кейинги иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўсишига рағбат кўрсатмади, аксинча, бу ерда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини тўхтатиб қўйди. Бошқарувдаги усуллар эса, ўзининг шафқатсизлиги билан аҳолининг империя маъмуриятига нисбатан ишончсизлиги ва норозилигини келтириб чиқарди (История народов Узбекистана, 1947: 253). Зеро, Россия империяси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши тарихий тараққиётнинг мавжуд қонуниятларини бузилишига олиб келган тажоввузкорона хусусиятга эга бўлган ҳодиса эди (История УзССР, 1956: 107).

Туркистонда Россия мустамлака бошқарув тизимининг ўрнатилиши

1865 йил 2 мартда 1864-1865-йилларда Россия империяси томонидан Туркистонда босиб олинган ҳудудларда Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Туркистон вилояти ташкил этилган эди (История Узбекской ССР, 1956: 100). Бу пайтда унинг аҳолиси 453 минг кишидан иборат бўлган (Абдурахимова, 2002: 29-30). Бу маъмурий-ҳудудий бирлик 1865 йил 6 августда тасдиқланган “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисида”ги Муваққат Низом асосида бошқарилган. “Муваққат низом”дан кўзланган асосий мақсад “бошқарувнинг умумий негизларини аниқлаштириш орқали империянинг янги мулкларида хотиржамлик ва хавфсизликни ўрнатиш” бўлганлиги таъкидланади. Туркистон вилоятдаги бутун ҳокимият ҳарбий маъмуриятнинг қўлида жамланган бўлиб, унга аҳоли устидан фақат умумий назорат ўрнатиш ва бунда унинг турмуш тарзи, ер-сув ва ҳуқуқий муносабатларига аралашмаслик вазифаси юклатилган эди (История Узбекской ССР, 1956: 102).

ISSN 3030-3907

1865 йил май-июн ойларида амалга оширилган ҳужумлар оқибатида Тошкент шаҳри Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинди. Босқинга бевосита етакчилик қилган генерал М.Г. Черняев шаҳарда империя ҳокимиятининг легитимлигини таъминлаш мақсадида дастлаб эътиқод ва одатлар дахлсизлигини эълон қилди; ерли аҳоли учун квартира ва ҳарбий мажбуриятларни бекор қилди; шариат судларини сақлаб қолди; Қўқон бошқаруви даврида мавжуд бўлган солиқлар ва йиғимларни тақиқлади ҳамда ерли аҳолини бир йилга барча солиқлар ва йиғимлардан озод қилди (Центральная Азия ..., 2008: 88).

1867 йилда Туркистон вилояти 1866 йилда империя қўшинлари томонидан босиб олинган Хўжанд, Нау, Ўратепа ва Жиззах ҳудудлари билан бирга Туркистон генерал-губернаторлигига айлантирилди. Мазкур маъмурий-ҳудудий бирлик 1867 йил 11 июлда тасдиқланган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисида”ги Муваққат Низом асосида бошқарилган. Янги “Низом”нинг асосий мазмуни “маъмурий ва ҳарбий ҳокимиятнинг бўлинмаслиги ҳамда ягона қўлларда жамланиши”дан иборат бўлиб, янги мустамлакадаги халқ оммасини доимий қўрқув ва итоатда ушлаб туришга имкон берган (История Узбекской ССР, 1956: 102). “Низомнинг асосий тамойиллари ўлкада мустамлакачи маъмуриятни мустаҳкамлаш; Туркистондаги бошқарув органлари тузилмасини империянинг ички губерняларига яқинлаштириш; сиёсий хусусиятга эга бўлмаган масалаларни ҳал этишни ерли аҳолидан сайланган шахсларга тақдим этиш ҳамда империя қонунлари жорий этилмаган ҳуқуқий муносабатлар соҳаларида шариат ва одатларни сақлаб қолишдан иборат эди (Центральная Азия ..., 2008: 91).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкаси катта қисмининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ҳамда бир вақтнинг ўзида, Бухоро ва Хива давлатларининг империяга қарам бирликларга айланиши, ички ўзаро урушлар, ҳудудий ва иқтисодий тарқоқликка барҳам берган бўлса-да, Туркистонни янада қалин қобиққа ўраб, унинг ички ва ташқи алоқаларига жиддий зарба берди (История Узбекской ССР, 1956. С. 310).

Туркистонда амалга оширилган босқинчилик урушлари оқибатида 19-юзйиллик 60-йилларидан ўлкада Россия империяси бошқарув тартиблари ўрнатила бошланди. Бу энг аввало қуйи бошқарув мансабдор шахсларини сайлаш тартиби жорий этилишида намоён бўлди ва бу ўлкани европалаштириш ва руслаштириш тенденциясининг ёркин намунаси эди. Туркистонда мавжуд элита ўзининг устунлигини йўқотди. Уларга империяда амалда бўлган наслий унвонлар берилмади, мол-мулкларининг

ISSN 3030-3907

аҳамиятли қисми тортиб олинди. Улар мустамлакачи маъмурият томонидан ўзининг “садоқати” ва ўлкани бошқариш ишларига қанчалик жалб этилганлигига қараб фойдаланилди (Центральная Азия ..., 2008: 86).

Туркистонда ўрнатилган рус бошқарувининг ташкилий тамойиллари ва фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги иккита ёндашув кўзга ташланади:

1) “қаттиқ” – чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган ҳарбий-халқ бошқарувининг жорий этилиши;

2) “юмшоқ” – бошқарувда миллий институтлардан фойдаланий ва урф одатларнинг ҳисобга олиниши.

Айтиш лозимки, бу ёндашувлар кейинги 50 йил давомида (1867-1917 йиллар) бир-бири билан кесишган, бир-бирини тўлдирган ҳамда Туркистон ўлкасида империя бошқарувининг барча қирраларини, жумладан мустамлака сиёсатининг ижтимоий хусусиятларини ҳам белгилаб берган. Бу ёндашувлар ўлкада Россия империяси рус давлатчилигини имкон қадар сокин, тинч ва доимий равишда ўрнатиб боришга қаратилган эди (Центральная Азия ..., 2008: 87).

1868-1871-йилларда Россия империя томонилан Бухоро амирлигидан тортиб олинган ўрта Зарафшон воҳасида Зарафшон музофоти, 1873 йил май ойида Хива хонлигига қарши олиб олиб борилган уруш оқибатида қўлга киритилган ерларда Сирдарё вилояти таркибидаги Амударё бўлими ташкил этилди. Россия империясининг истилочилик юришлари бу билан чекланиб қолмади. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тўлиқ босиб олинди ва Фарғона вилояти ташкил этилди.

Зарафшон музофоти 1868 йил 29 июнда тасдиқланган “Зарафшон музофотини бошқариш тўғрисида”ги Муваққат қоидалар асосида бошқарилган бўлса (Миллий архив, И-22/1/3/1-18), Амударё бўлими 1873 йилда К.П. фон Кауфман томонидан “ҳокимиятни кучайтириш ғоялари” билан суғорилган” (История Узбекской ССР, 1956:103), лекин империя ҳукумати томонидан тасдиқланмаган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги янги Низом лойиҳаси бошқарилган. Фарғона вилоятида ҳам самарали бошқарув тизимини жорий этиш бўйича айрим ишлар амалга оширилган. Бу ерда ҳам 1873 йилги Низом лойиҳаси амалда бўлган (суд ишларидан ташқари), вилоят бошқаруви ташкил этилган.

1871 ва 1873 йилларда К.П. фон Кауфман томонидан “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомнинг янги лойиҳалари ишлаб чиқилди. Улар умумимперия тамойилларига асосланган ва бошқарувнинг оғирлик марказини Петербургдан Тошкентга кўчиришни кўзда тутган эди. Низом лойиҳалари расман тасдиқланмаган бўлсада, 1873 йилги Низомнинг

ISSN 3030-3907

асосий унсурлари Зарафшон музофоти, Фарғона вилояти ва Амударё бўлимида амалиётга жорий этилди (Центральная Азия ..., 2008: 95-96).

1886 йил 12 июнда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомга Самарқанд вилояти ташкил этилди. Унинг таркибига Зарафшон музофотининг Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларидан ташқари, шу пайтгача Сирдарё вилояти таркибида бўлган Хўжанд ва Жиззах уезлари ҳам киритилди. 1881 йилда ташкил этилган, 1881-1890 йилларда Кавказ ноиблиги таркибида, 1890-1897 йилларда Ҳарбий вазирлик юритувида бўлган Каспийорти вилояти 1897 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига ўтказилди (История Узбекской ССР, 1956: 100).

Шу тариқа фақат 19-юзйилликнинг охирига келиб Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тугалланди ва у бешта вилоятдан иборат бўлди. Унинг маъмурий тузилиши асосини Туркистон аҳолисини мустамлака қилиш мақсадида доимий бостириб бориш тамойили ташкил этган. Ўлканинг маъмурий тузилиши Туркистон халқларининг тарихий жойлашуви, уларнинг иқтисодий ва миллий манфаатларига тўла зид бўлган (История Узбекской ССР, 1956:103).

Туркистон ўлкасини бошқариш учун бир нечта Низом лойиҳалари ва Муваққат қоидалар ишлаб чиқилган, уларнинг айримлари бошқурувга жорий этилган бўлса-да, 1886 йил 11 июнда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом 1917 йилгача Туркистонда Россия империяси мустамлакачилик тизимининг асосий тамойилларини белгилаб берди ҳамда унинг ўлка аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ сиёсатини ишлаб чиқишда бош меъёрий-ҳуқуқий асосга айланди.

1886 йилги “Низом”дан кўзланган асосий мақсад мавжуд шароитлар ва аҳолининг эҳтиёжларига нисбатан мос бўлган фуқаролик бошқарувини ташкил этиш, ўлкада Россия империясини мустаҳкамлаш, уни бошқариш учун харажатларни камайтириш ва даромадларни кўпайтириш бўлиб, Туркистонни типик мустамлакага айлантириш, ўлкани эксплуатация қилишни осонлаштириш, аҳолисини қўрқувда ушлаб туриш ҳамда мустамлакачи маъмуриятга қарши энг кичик норозилик кўринишларини олдини олиш каби вазифалар илгари сурилган эди (История Узбекской ССР, 1956:103).

Туркистонда бошқарувни ташкил этишда империя ҳукумати мустамлака ва унинг аҳолиси устидан мустаҳкам эгаликни таъминлайдиган маъмурий аппаратни яратишга ҳаракат қилди. Кучли ҳарбий аппарат ташкил этилди ва бошқарувнинг барча қирралари унга бўйсундирилди. Шу билан бирга империя ҳукумати аҳолининг ҳукмрон (юқори – Т.А.)

ISSN 3030-3907

қатламларидан қуйи бошқарувни ташкил этишда фойдаланишга ҳаракат қилди ва уларнинг воситасида шартли сайлов негизларига асосланган қуйи (волост, қишлоқ ва овул) бошқарувни ташкил қилди. Шу тариқа Туркистонда ҳарбий маъмуриятнинг “сайланган” қуйи маъмурият билан ўзига хос ҳамоҳанглиги вужудга келди. Бу бошқарув расман (расмий ҳужжатларда) “ҳарбий-халқ бошқаруви” деб номланди (История народов Узбекистана, 1947: 255; История УзССР, 1956: 106). Янги Низомда маҳаллий аҳоли хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг барча қирралари меъёрлаштирилган эди. Бу Туркистонда мустамлакачилик тартибларини янада мустаҳкамлашга имкон берган (История Узбекской ССР, 1956: 103). Шу билан бирга бир қатор мавжуд бошқарув институтлари (бирмунча янгиланган ҳолатда – Т.А.) сақлаб қолинган. Уларга ўлкани иқтисодий, сиёсий ва маданий қолоқликда сақлаш воситалари ўлароқ қаралган (История Узбекской ССР, 1956: 104).

Туркистонни “руслаштириш” сиёсати

Туркистонда Россия империяси ҳокимиятининг асосий таянчи “руслаштириш” сиёсати эди. “Руслаштириш” сиёсатининг асосий унсурлари маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-маданий ўзлигини чеклаш, у ерда рус тили ва адабиётни фаол ёйиш, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларини умумимперия органлари билан билан алмаштириш, православия ва рус маданиятини изчиллик билан ёйишдан иборат бўлиб, бу ерда “руслашиш” атамаси ҳам қўлланилади. Бу мажбурий бўлмаган, рус халқи билан табиий яқинлашиш, тил ва турмуш тарзи бўйича русга айланишдир (Центральная Азия ..., 2008: 171). Шу билан бирга мустамлака маъмурият Туркистонда “руслаштириш” сиёсатини тезлик билан амалга ошириб бўлмаслигини яхши тушунган ва бунда ерли аҳолининг норозилигини кучайтирмаслик ва ғалаёнларга олиб келмаслик кўзда тутилган.

Умуман олганда Туркистонни “руслаштириш” сиёсати 19-юзйиллик иккинчи ярмида Россия империяси мусталака бошқарувининг асосий стерженларидан бўлган. Ўз навбатида ўлкани “руслаштириш” сиёсий, иқтисодий, кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқий, маданий ва маиший таркибга эга бўлиб, бу сиёсатда асосий рол таълимда эди. Бунда рус ва ерли аҳоли болаларини биргаликда ўқитиш ҳамда бу мактабларда рус тилида, рус дастурлари ва дарсликлари асосида ўқитишга катта аҳамият қаратилди.

Замонавий муаллифлардан айримлари Россия империяси Туркистонда мажбурий “руслаштириш” сиёсатини амалга оширмади, у фақат бу ҳудудни ўз таркибида мустаҳкамлашга ва янги ерларда умумимперия ўрнатмаларини ёйишга ҳаракат қилди (Центральная Азия...,

ISSN 3030-3907

2008: 177), деб таъкидласа-да, 20-юзйиллик бошларида Туркистонда хизматда бўлган рус маъмури А.Кривошеиннинг “Янги Туркистон ўзининг бепаёнлиги билан эскисидан қолишмайди, бойлиги ва маданияти билан уни ортда қолдиради ҳамда унинг янги аҳолиси руслар бўлади” (Кривошеин, 1912: 30; Центральная Азия ..., 2008: 151), деган сўзлари ўлкада “руслаштириш” сиёсатининг кўлами қанчалик бўлганидан далолат беради.

Диний сиёсат

К.П. фон Кауфман томонидан аҳоли ва унинг ижтимоий ҳаётига нисбатан муносабатларда ўзига хос тизим ишлаб чиқилган бўлиб, бу аҳолининг ҳаёти ва тарихан шаклланган урф-одатларига “аралашмаслик сиёсати” эди. Бу ишлар мавжуд институтлар ва ислом дини мафкураси доирасида сақланиб қолди. Кауфман ишлаб чиққан тизим бўйича мустамлака маъмурияти аҳолининг диний ҳаётига аралашмади ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тўхтатиб қўйди (История народов Узбекистана, 1947: 262). Шундай бўлсада, Туркистонда Россия империяси ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг мулк ва вақф эгаларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи тафтишдан ўтказилди, аксар ҳужжатлар “ноқонуний” деб топилди. Ерлар давлат ҳисобига ўтказилди, мактаб, мадраса ва масжидларнинг бинолари омборхона, қамоқхона (турма), госпиталлар ихтиёрига берилди (Абдурахимова, 2002: 90-91).

К.П. фон Кауфман томонидан ишлаб чиқилган тизим унинг вафотидан кейин ҳам сақланиб қолди. Фақат 1898 йилда содир бўлган Андижон қўзғалони Кауфман томонидан амалиётга жорий этилган “аралашмаслик” (рад этиш) сиёсатини шубҳа остига қўя бошлайди (Центральная Азия..., 2008: 119). Хусусан, 1898-1901 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигини бошқарган С.М. Духовскийнинг “Туркистонда ислом” докладида ислом динига нисбатан муносабатнинг умумдавлат режасини ишлаб чиқиш, ўлкада мусулмон диний бошқармаси ташкил этилишига йўл қўймаслик, унинг вазифаларини маъмуриятга тақдим этиш тўғрисида таъкидланган эди. Андижон қўзғалони сабабларини ўрганган Ҳарбий вазирлик Бош штаби ҳам мавжуд яшаш тарзи ва диний қадриятларга қарши ўлкани руслаштиришни кучайтиришни таклиф қилди. Ҳарбий вазир А.Н.Куропаткин эса мусулмон руҳонийларининг ҳаракатлари устидан назоратни кучайтириш лозимлигини таъкидлаган эди (Центральная Азия..., 2008: 120).

Пахта монополиясининг Туркистон ижтимоий ҳаётига таъсири

Туркистонда пахта монополиясининг қарор топиши Марказий Осиё жамиятининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилиши, унинг ҳаракатланиш цикларини, уй хўжалигининг ишлашини ўзгартириб юборди. Хўжалик

ISSN 3030-3907

юритишдаги миллий хусусиятларга жиддий зарба берди. Ҳунарманд-косибчиликнинг кўплаб турлари йўқолишига олиб келди. Жамиятда ижтимоий-дифференциация – фарқлашув жараёни бошланди.

1880 йилларга келиб Туркистонда пахта монополиясининг қарор топиши аҳолининг миллий ва рус сармоясига бўлган молиявий қарамлигини кучайишига олиб келди. Масалан, ерга ишлов берадиган деҳқон оиласи уруғлик, озуқа ва бошқа харажатлар учун тахминан 70-80 рубл пул сарфлаган ва бу пул аксарият ҳолларда қарзга олинган. Бу жараёнда дастлаб миллий ва яҳудий сармоядорлар фаоли иштирок этганлигини, фақат 19-юзйилликнинг 90-йилларидан бошлаб империя банклари ҳам ўлкада юритилган пахта сиёсатининг бир қисмига айланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Масалан, 1889 йилда Туркистонда Давлат банкининг 1-бўлими очилган бўлса, 1898 йилга келганда ўлкада тижорат банкларининг илк бўлинмаси иш бошлади. 1912 йилда Туркистонда Давлат банкининг 7 та, тижорат банкларининг 40 та бўлинмалари ишлаб турган. Жаҳон уруши арафасида Туркистонда жами 265 та кредит ташкилотлари ишлаб турган (Центральная Азия..., 2008: 154). Натижада пахта етиштирувчи деҳқонларга аванс берадиган, етиштирилган ҳосилни улардан сотиб олиб, қайта сотадиган ўртакашлар (чистачи ва аравакашлар – Т.А.) гуруҳи пайдо бўлди. Табиийки, пахта ҳосилидан келадиган даромаднинг катта қисми уларга тегишли бўлган.

19-юзйилликнинг 80-йиллари охири – 90-йиллари бошларига келиб Туркистонда деҳқонларнинг ижтимоий аҳволи босқиннинг дастлабки йилларига нисбатан аҳамиятли даражада ёмонлашган бўлиб, бунинг асосий сабаблари қишлоқларда ерларнинг бой ва савдогарлар қўлида жамланиши ҳамда қишлоққа савдо-судхўрлик сармоясининг кириб келиши бўлган. Масалан, биргина 1889-1899 йилларда деҳқонлар томонидан Самарқанд уездида 15 минг, Жиззах уездида 5 минг десятина ер қарз ҳисобига сотиб юборилган (История Узбекской ССР, 1956: 130). Бу ҳам Россия империяси томонидан Туркистонда амалга оширилган пахта сиёсатининг аҳоли дастлаб иқтисодий, унинг ортидан ижтимоий ҳаётига қанчалик жиддий салбий таъсир кўрсатганининг ёрқин далилларидан биридир.

Кўчириш сиёсати ва рус кўчманлари

Мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида шаҳарларда яшаган рус аҳолисининг асосий қисмини зобитлар ва аскарлар, маъмурлар ва савдогарлар ташкил этган бўлса, кейинроқ уларнинг сафини фабрика-завод ишчилари, хусусий фирмалар хизматчилари, рус зиёлилари тўлдира бошлади. Россия империяси томонидан Туркистонда ўрнатилган

ISSN 3030-3907

мустамлака бошқарув тизимининг ижтимоий негизини рус дворянлари ва маъмурлари (2,1 %), шаҳарликлар ва православ руҳонийлар (6.5 %), ўлкага кўчирилган рус деҳқонлари (20 %) ва казаклар (8.1 %) ташкил этган. Рус аҳолисининг деярли ярми империянинг Туркистондаги мустамлака аппарати ўзагини ташкил этар эди (Абдурахимова, 2002: 99).

Россия империяси томонидан Туркистонда амалга оширилган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ўлкага рус аҳолисини кўчириш ва жойлаштириш бўлган. Умуман олганда Туркистонни босиб олишдаги асосий мотивлардан бири – уни Россиянинг марказий губерняларидан деҳқонларни кўчириш учун колонизацион жойга айлантириш эди (История УзССР, 1956: 114). Аслида империя ҳукумати 1847 йилдан бошлаб қирғиз даштларига, 1867 йилдан Туркистонга русийзабон аҳолини кўчириш сиёсатини бошлаб юборган эди (Абдурахимова, 2002: 105-106). 1868-1882 йилларда Еттисув вилоятида ҳар бирида 250 киши бўлган 29 та рус қишлоғи пайдо бўлди. Бу даврда Сирдарё вилоятида 19 та рус қишлоғи бўлиб, уларнинг аҳолиси 1300 кишини ташкил этган (Ватан тарихи, 2010: 203). Кўчиб келган ҳар бир ишловчига 10 десятинадан ер берилган ва 10 йил солиқлардан озод этилган. Ҳар бир кўчиб келувчига 100 рублдан нафақа пули берилган бўлиб (Абдурахимова, 2002: 105-106), Россиядан кўчирилган кўчманлар билан боғлиқ барча ишлар 1886 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомнинг 280-284-моддалари билан тартибга солиниши белгиланган эди.

Таъкидлаш лозимки, Туркистонга кўчирилган рус деҳқонларини ер билан таъминлаш касодга учраган туб аҳолининг ерларини қарз эвазига ёки арзон нархларда сотиб олиш ҳисобига ҳам амалга оширилган. Масалан, 1889-1893 йилларда Туркистонда хонавайрон бўлган деҳқонлар томонидан 15 минг 588 десятина ер сотиб юборилган. 1910 йилда Туркистонда ерсиз деҳқон хўжаликлари деҳқон хўжаликлари умумий сонининг 30 % ни ташкил этган бўлса, 1914 йилга келиб ерсиз хўжаликларнинг улуши ўлканинг айрим туманларида 40 % га етди (Ватан тарихи, 2010: 203,261).

Туркистонда дастлаб кўчириш сиёсати асосан Сирдарё вилоятининг жанубий жанубий ҳудудларида амалга оширилди. 1891 йилда Сирдарё вилояти (асосан Авлиёота ва Тошкент уездлари) да 19 та рус қишлоқлари бўлиб, уларнинг аҳолиси 1298 кишини ташкил этган. Самарқанд вилояти (асосан Хўжанд уезди – Т.А.) да 1896 йилда рус қишлоқлари 6 та, аҳолиси 1000 киши атрофида бўлган. Рус деҳқонларининг катта оқими 1891-1892 йилларда қатор марказий губерниялардаги ҳосилсизлик ва очлик билан боғлиқ ҳолда кузатилади. Фарғона вилоятидаги биринчи рус қишлоғи 1893 йилда Ўш уездида ташкил этилган (История Узбекской ССР, 1956: 114).

ISSN 3030-3907

1898 йилда содир бўлган Андижон қўзғалонидан кейин Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовской томонидан Туркистонга русларнинг имкон қадар кўпроқ кўчиб келишларига йўл очиш тўғрисида кўрсатма берилган. Шу йили “Туркистон ўлкасини колонизация қилиш қоидалари” ишлаб чиқилди ва империя ҳукумати томонидан тасдиқланди. Натижада 1899 йилда Марғилон уездининг Мингтепа, Кошғар ва Тожик қишлоқлари ўрнида рус қишлоғи ташкил этилди ва бу ерга 200 оила кўчирилган. 1911 йилда Фарғона вилоятида 23 та рус қишлоқлари мавжуд эди (История Узбекской ССР, 1956: 114).

1903 йил 10 июлда россиялик қишлоқ сокинлари ва мешчанларнинг Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига кўчирилиши тўғрисида қоидалар қабул қилинади (Абдурахимова, 2002: 106). 1906 йилга келиб Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларида 136 та рус қишлоғи бўлиб, улардаги ҳар бир хўжалик ўртача 34,5 таноб ерга эгалик қилган. 1916 йилда ўлкада яшаётган 336 минг рус оиласининг қўлида жами 2659 десятина ер жамланган эди. Улардани аҳоли Туркистон аҳолисининг 4,5 фоизини ташкил этган (Ватан тарихи, 2010: 203).

19 аср охирида Туркистонда жами 116 та рус қишлоғи бўлиб, уларда 70 минг 745 киши яшаган. Бу даврда Туркистондаги рус аҳолисининг умумий сони 197 минг 420 кишига етди (Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2000: 221). 1909 йилда улар 619 минг 320 кишини ташкил қилган (Зиёев, 2000: 211).

ХУЛОСА.

Туркистонда Россия империяси ижтимоий сиёсатининг оқибатлари қарама қарши хусусиятларга эга бўлиб, бу сиёсат биринчи навбатда халқ оммаси қолоқлиги ва зулматини консервация қилишга, патриархал муносабатлар ва мавжуд диний дунёқарашни сақлашга қаратилган эди. Шундай бўлса-да, бу сиёсат Туркистон халқларининг тарихий тараққиётини тўхтатишга ожиз эди. Ижтимоий ҳаётда капиталистик муносабатларнинг ўсиши билан бирга илғор ўзгаришлар кенг халқ оммасига кириб борди (История УзССР, 1956: 368-370).

Тўғри катта сондаги рус маъмурларининг пайдо бўлиши, шаҳарлар аҳолисининг ўсиши ва империя армияси қисмларининг ўлкага жойлаштирилиши оқибатида меҳнат бозорига бўлган талаб ортиб борди, янги мутахассисликлар пайдо бўлди. Бу ўз навбатида иш ҳақининг кўтарилишига ва нарх-навонинг ошишига олиб келди (Центральная Азия ..., 2008: 153). Айнан шу жиҳат ҳам Россия империясига қарамлик йилларида

ISSN 3030-3907

Туркистон аҳолининг яшаш даражаси кўтарилиб боргани тўғрисидаги фикрларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатади.

Россия империяси томонидан Туркистонда амалга оширилган нотенг ижтимоий сиёсат аҳоли учун жиддий муаммоларни келтириб чиқарган. Айниқса, шаҳар ва қишлоқлардаги озодагарчилик ҳамда аҳоли саломатлигини сақлашдаги номутаносиб ёндашувлар вақти вақти билан шаҳар ва қишлоқларда юқумли касалликларнинг тарқалишининг асосий омили эди. Боз устига мустамлака маъмурият томонидан касаллик оқибатларини бартараф этишда қўлланилган усуллар халқ оммасининг жиддий норозилигига ва қўзғалонларга сабаб бўлган.

Хусусан, 1892 йилда Тошкентда кўтарилган “Вабо исёни” тўғрисида ўз мулоҳазаларини қолдирган Н.Р.Остроумов қўзғалоннинг келиб чиқиш сабабини “... кўп жиҳатдан айб ўзимизда, албатта уларнинг феъл-атворларини, қонун-қоидаларини ўрганганимиз йўқ ва ҳали ҳам ўрганмаяпмиз. Бунда айб фақат вабонинг ўзида эмас, сабр-косасини тўлдириб юборган сўнгги томчидир” (Ватан тарихи, 2010: 214), деб эътироф этиш билан бирга Россия империясининг Туркистондаги мустамлака сиёсатининг асосий мафкурачиларидан бири сифатида ўлкада юритилган ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини ҳам очиб берган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Кривошеин А.В. Записка главноуправляеўего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912 г.
2. История народов Узбекистана. Т.2. От образования государства Шейбанидов до Великой Октябрьской Социалистической революции. Под.ред. акад.С.В.Бахрушина и др. – Ташкент: Фан, 1947. – 514 с.
3. История Узбекской ССР. / Под ред. М.Г. Вахабова, В.Я. Непомнина, Т.Н. Кары-Ниязова. Т. 1. – Кн.2. – Ташкент: Фан, 1956. – 504 с.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-қисм. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.
5. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. - 240 б.
6. Центральная Азия в составе Российской империи / С.Н. Абашин, Д.Ю. Арапов, Н.Е. Бекмаханова. – Москва: Новое литературное обозрение, 2008. – 451 с.
7. Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи (XVI–XX аср бошлари); 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 368 б.

ISSN 3030-3907